

НОЧИЗИҚЛИ РЕЗИСТИВЛИ ЭЛЕКТР ЗАНЖИРЛАРИДА ДИНАМИК ЖАРАЁНЛАРНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ

Суллиев А.Х., Курбонов И.Б., Каршиев К.Т., Базаров М.

Тошкент давлат транспорт университети

absaid.sulliev@mail.ru

Аннотация: Мақолада ночизиқли резистивли электр занжирларида динамик жараёнларни ЭХМ дастурлари ёрдамида моделлаштириш ва таққослаш натижалари күриб чиқилган. Шунингдек, ишлаб чиқилган моделлаштириши асосида, занжир сизимидағи кучланишини вакт бүйича үзгаришини турли параметрларда текшириб чиқилган. Тадқиқот натижасыга күра, сизим кучланишини аниқ қийматини аниқланишидан тиристорнинг бошқарии кучланишини ва сизимнинг “зарядлаш-разрядлаш” жараёнини бошқарии орқали, конденсатор ўзининг тўйиниши нуқтасига етганида kontaktсиз коммутацияловчи қурилмаларда сабр-вактини белгилашига эришилган.

Калим сўзлар: ночизиқли электр занжирни, бошқарув тизими, сизим, оптомитиристор, қаршилик, резистор, диод, диодли кўптиқ, актив юклама.

Юқори қувватли kontaktсиз ярим ўтказгичли ускуналарнинг кенг тарқалиши, электр техниканинг бир қатор йўналишларида ярим ўтказгичлар техникасини қўлланиш доираси кенгайиб, уларнинг ютуқлари электр техник ускуналарнинг янги синфини ўзлаштиришга имкон берди. Кўрсатилган ускуналар, одатий электр механик ускуналар билан биргаликда, саноат обьектларининг электр таъминотидаги кўп сонли муаммоларини ечишда ва ҳозирги электр таъминоти тизимларининг техник даражасини юқори даражага кўтаришга ёрдам беради [1].

Шулар билан бир қаторда, юқори қувватли kontaktсиз ярим ўтказгичли қурилмалар тез таъсир этувчи токни чегаралаш муаммосини ечишга, авариявий зарбавий токларни чегаралаш, электр таъминоти тизими элементларига термик ва динамик таъсирни камайтириш, тез ўзгарувчан зарбавий юкламали электр ускуналарни уланиш схемасини соддалаштириш, катта қувватли электр машиналарини ўз-ўзини ишга туширишини таъминлаш, тармоқ реактив элементларини бошқариш (реакторлар, конденсатор батареялари ва х.к.), тақсимловчи тармоқларда электр энергия сифатини ошириш ҳамда электр таъминоти тизимини қуришдаги сарф ҳаражатларни камайтиришга имкон беради [2].

Маълумки, кучланиш стабилизаторида бошқарув элементларидаги электр магнит жараёнларини физик моделларини ишлаб чиқиб, тажрибада тадқиқ

қилиш, кўп меҳнат ва катта ҳаражатлар билан боғлиқ. Бундан ташқари лойиҳаланаётган кучланиш стабилизаторлари бир неча Bt дан kBt гача қувватга эга. Бундай қувватли кучланиш стабилизаторларини авария режимига тадқиқ қилишининг амалий жиҳатдан имкони йўқ. Шунинг учун лойиҳа ишларида математик моделлашнинг зарурлиги мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Бошқарув элементларини тадқиқ қилиш учун, керакли параметрлар ва йиғилган элементли блок схемаси кўринишига келтириб, зарурий соддалаштиришга эришиш мумкин. Блок схемаси иккита асосий кўрсаткичлар билан характерланади, яъни элементлар тўплами қаршиликлар, конденсаторлар, индуктив ғалтаклар, энергия манбалари ва бошқалар ва уларнинг уланиш усули [2].

Блок схемаси моделлаштирилган тармоқ манбаи ва кучланиш стабилизатори параметрларини физик моделга келтириб, тасвирлашдан иборат.

Блок схемасини тавсифловчи математик модел тенгламалари тизимиға маълум классик усуллар билан эришилади. Функционал тугунларнинг математик модели куч занжирларида рўй берадиган физик жараёнларни юқори аниқлик билан моделлашга ва тадқиқот асосида конструкторлик лойиҳа ишлари самарадорлигини сезиларли даражада яхшилайдиган тавсиялар ишлаб чиқишга имкон беради [3].

Ночизиқли резистивли электр занжирлар ва электр таъминот тизими параметрлари самарадорлигини баҳолашда математик модел натижалари муҳим аҳамиятга эга. Қоидага асосан, математик моделлаштириш жараёнида қуйидаги муаммолар ҳал этилади:

- қурилманинг алмаштириш схемасини танлаш ва элементлар параметрларини ҳисоблаш;
- алмаштириш схемасини тавсифловчи математик тенгламалар тизимини тузиш ва ўрганилаётган қурилманинг ишлаётган барча режимларида схемадаги элементлар токи ва кучланиш қийматларини аниқлаш;
- алмаштириш схемаси элементлари параметрларини танлаш орқали ҳимоя ва бошқариш тизими учун тавсиялар ишлаб чиқиш;
- олинган натижаларнинг ишончлилигини баҳолаш.

Математик моделлашнинг муҳим босқичи, бу ҳисоблашларни соддалаштирадиган фаразларга мўлжалланган блок схемаси ва олинадиган натижаларни унга боғлиқлигини аниқ ишончлилигиdir.

Ночизиқли резистивли электр занжирларини математик моделлашда қуйидаги ишлар амалга оширилади: ярим ўтказгичли қурилмалар коммутацияси бирлаҳзада рўй бериб, қурилма токи ва кучланиши сакраб ўзгаради [3].

Ночизиқли резистивли электр занжирларини лойиҳалашда бошқарув тизимидағи элементлар параметрлари ва юклама занжирида кечадиган электр магнит

жараёнларни ҳисоблашда, ярим ўтказгичли элементлар диод, тиристор ва оптотиристор кириш куч-ланиши ўзгаришига таъсирни акс эттирувчи моделлар ишлатилади. Ушбу моделлар оддий таҳлил ва синтез қилиш жараёнларида ҳисоблаш ишлари миқдорини анча қисқартиши мумкин [3].

Ярим ўтказгичли қурилмаларнинг калитли модели, унинг ишлаш вақтида ўзгартигичли калит сифатида икки ҳолатда очиқ-ёпик улар орасидаги ўткинчи жараён вақтида ишлашини тасвирлайди. Ярим ўтказли қурилма калити ёпик бўлса, унинг қаршилиги чексизликка интилади. Математик моделлашда калит қаршилиги $10^5 \div 10^6 \text{ Ом}$ ҳамда калит очиқ бўлганида $0,01 \text{ Ом}$ га teng деб қабул қилинади. Кўрилаётган моделларнинг мавжуд ярим ўтказгичли қурилмалар билан бир хиллиги ҳамда кучланиш стабилизаторида ярим ўтказгичли қурилмалар калит режимида ишлайди ва энергияни ўзгартириш коэффициенти $0,9 \div 0,99$ оралиқда ўзгаради. Бунда коммутация вақтининг давомийлиги қўпчилик ўзгартиргичлар учун паст частотали 0,1 секунд ва юқори частотали тизим учун 0,01 секунддан ошмайди.

Ночизиқли резистивли электр занжирлар параметрларини моделлаштириш жараёнида ярим ўтказгичли элементлар блок схемасини қўллаш, занжир структурасини ўзгартирмайди, лекин ўзгартиргич турига қараб алгоритмга мувофиқ вентилли коммутация моментида ярим ўтказгичли қурилмани очиқ ва ёпик ҳолатида резисторнинг қаршилиги ўзгаради.


Юқорида келтирилганларга асосан, катта юклами токларини коммутация қиласиган оддий контакtsиз кучланиш релеси схемасини ишлаб чиқиш зарурияти юзага келади. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун, илмий-тадқиқот ишида оддий ночизиқли резистив электр занжири кўриб чиқилган [2,3].

Юқорида таъкидланганлар асосида катта юклами токларини коммутациялашга имкон берувчи содда ва ишончли контакtsиз кучланиш релеси схемасини яратиш зарурлигини кўрсатмоқда. Шу мақсадда, ушбу ишда ночизиқли резистив занжирларнинг тадқиқи кўриб чиқилган.

Контакtsиз кучланиш релесининг бошқариш тизимида, турли ночизиқли электр занжирларни фильтр сифатида ишлатиш мумкин.


Бундай электр занжирларни таҳлил қилишнинг самарали усулларини яратиш, электр таъминоти, автоматлаштириш, ҳисоблаш техникаси учун ишончли, юқори сифатли қурилмаларни ишлаб чиқишида муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги вақтда ночизиқли электр занжирларини таҳлил қилишни турли хил аналитик, графикли, график-таҳлил ва машина усуллари ишлатилади [3].

Ночизиқли резистивли электр занжирлар асосида яратилган қурилмалар автоматика, радиоэлектроника, ҳисоблаш техникаси ва электр таъминоти соҳаларида кенг қўлланилмоқда. Автоматик қурилмалар учун бошқарув тизимларини ишлаб чиқилишини турли схемалар орқали ҳал қилиш мумкин.



1-расм. Ночизиқли резистивли электр занжир схемаси

Биз кўриб чиқаётган ночизиқли электр занжирда VD диод, R_1 актив қаршилик ва C сифимга параллел уланган R_2 актив қаршилик элементлари кетма-кет, ҳамда юклама қисмида VU оптотиристор, диодли кўприк ва $R_{\text{лок}}$ актив қаршилик уланган (1-расм). 1-расмда келтирилган ночизиқли электр занжирини таҳлил қилишда, ушбу усулнинг амалий тадбиқини кўриб чиқамиз. Ночизиқли электр занжири кучланиш манбаига уланганида, динамик жараённи таҳлил қилиш талаб қилинади.



2-расм. Сигим кучланишининг ўзгариш графиклари - $U_c=f(t)$: C , $R_2=\text{const}$; $R_1=\text{Var}$

2-расмда тармоқ кучланиши $U_m=18$ В, сигим $C=1$ мкФ, қаршилик $R_2=3,0$ кОм ўзгармаган ҳолда интеграллаш қадами $h=0,001$ ва R_1 қаршиликнинг 5 хил қийматида ($1 - 0,3$ кОм; $2 - 0,5$ кОм; $3 - 0,8$ кОм; $4 - 1,0$ кОм; $5 - 1,2$ кОм) динамик жараёнлари таҳлили келтирилган.

Ушбу мақолада 1-расмда келтирилган ночизиқли резистивли электр занжиридаги динамик жараённи ЭҲМ дастурлари ёрдамида моделлаштириб, таққослаймиз. Шунингдек, бу ерда занжир схемасини математик моделлаштириш натижалари ишончлилигини текшириш мақсадида, электрон ҳисоблаш машинасида моделлашнинг иккита дастурий таъминоти қўлланилган, яъни биринчиси Electronics Workbench ва иккинчиси MATLAB дастуридир.

Шундан келиб чиқиб, 1-расмда келтирилган ночизиқли резистивли электр занжирини Electronics Workbench дастури ёрдамида моделлаштириб, $U_c=f(t)$

сигим кучланишининг ўзгариш графиги таҳлили натижаси 3-расмда келтирилган.

Моделлаштириш вақтида 1-расмда келтирилган ночизиқли резистивли электр занжирини Electronics Workbench дастури ёрдамида таҳлил қилиб, жараённи вақтга боғлиқ ҳолда ва частота оралиқларида амалга оширилди. Шунингдек, дастур рақамли-аналог ва рақамли қурилмаларни таҳлил қилиш имкониятини берди.

Хулоса: ночизиқли резистивли электр занжирининг динамик жараёнларини ҳисобга олган ҳолда, классик усуллар ёрдамида математик ечимлар ишлаб чиқилди. Натижада ночизиқли резистивли электр занжири сигим кучланишини ўзгариш вақтини аниқлаш имконини берди.

Electronics Workbench, MATLAB R2014a ва Microsoft Excel амалий дастурлари асосида қаралаётган ночизиқли резистивли электр занжирининг моделлари ишлаб чиқилди. Натижада ночизиқли электр занжирнинг тадқиқини ҳисобга олган ҳолда, оптоэлектронли kontaktсиз кучланиш релесининг янги схемасини ишлаб чиқиши имконини берди.

Ишлаб чиқилган оптоэлектронли релесининг схемасини такомиллаштириш орқали, сабр-вақтли kontaktсиз кучланиш релесининг янги схемаси ишлаб чиқилди. Натижада коммутацион қурилмаларнинг селективлигини ошириш учун сабр-вақтли kontaktсиз кучланиш реле схемасини такомиллаштириш асосида уларнинг ёлғон ишга тушишини бартараф этиш имконини берди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

- [1].S.F. Amirov, A.Kh. Sulliev. Biparametric resonance sensors for train speed control systems. Monograph. Tashkent. Publishing house "ADAD PLYUS" LLC, 214p, (2015).
- [2]. Amirov S.F., Sulliev A.Kh. Biparametric resonant sensors with distributed parameters. Sensors and Systems Magazine, No. 10, Moscow, P.41-43, (2008).
- [3]. A.Kh. Sulliev. Biparametric resonant circuits with distributed parameters. IX International Symposium, "Breakthrough technologies for electric transport Eltrans-2017" (Eltrans-2017) October 18-20, St. Petersburg, 2017 - pp. 92-93.
- [4]. Amirov S,F., Sulliev A. Kh., Sanbetova A.T., Qurbonov I.B. Study on the biparametrical transudations circuits with distributed parameters. To cite this article: S F Amirov *et al* 2021 *IOP Conf. Ser.: Earth Environ. Sci.* **939** 012008
- [5]. Amirov S.F. Method of synthesis of positive and negative parameters of circuits of different physical nature. - Uzbek journal "Problems of Informatics and Energy". - Tashkent, 1997, No. 5. – pp. 23-35.

- [6]. Нуридинов, С. Б. Статистика отказов и анализ повреждаемости электрических машин / С. Б. Нуридинов, Б. К. Авазов, К. Т. Каршиев // Инновационные технологии в водном, коммунальном хозяйстве и водном транспорте [Электронный ресурс] : материалы II республиканской научно-технической конференции, 28-29 апреля 2022 г. / редкол.: С. В. Харитончик [и др.]. – Минск : БНТУ, 2022. – С. 446-452.
- [7]. Kurbonovich, Avazov Bobomurod, Nuriddinov Sardor Babayarovich, and Qarshiyev Karimberdi Tavbayevich. "TRANSFORMATOR MOYINI GAZDAN TOZALASHDA KO'CHMA LABARATORIYA MASHINASIDAN FOYDALANISH." (2022): 73-77.
- [8]. Ахмедов, А. П. Методика совмещения реальных и виртуальных лабораторных работ в образовательном процессе студентов / А. П. Ахмедов, С. Б. Худойберганов, Ж. А. у. Очилов // Точная наука. – 2019. – № 40. – С. 27-31.
- [9]. Сабиров, А. К. Эмиссионные свойства сплава Та-HF / А. К. Сабиров, С. Б. Худойберганов // Точная наука. – 2019. – № 40. – С. 7-8.